



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

IJIRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 4, April 2022

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 8.118



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

Some Problems of Pedagogical Education Development in the Context of a New Renaissance

Khodjaev Begzod Khudoyberdievich¹

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Uzbekistan¹

ABSTRACT: The article discusses the principles of development of pedagogical education in the new renaissance.

KEYWORDS: Renaissance, pedagogy, module-credit, dual education, internationalization, integration, prognostics, philosophy of education

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ НОВОГО РЕНЕССАНСА

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич¹

¹Доктор педагогических наук, профессор

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Аннотация: В статье рассматриваются принципы развития педагогического образования в эпоху нового Возрождения.

Ключевые слова: Ренессанс, педагогика, модуль-кредит, дуальное обучение, интернационализация, интеграция, прогнозика, философия образования.

ЯНГИ РЕНЕССАНС ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИКА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич¹

¹Педагогика фанлари доктори, профессор

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Аннотация: мақолада янги ренессанс шароитида педагогика таълим соҳасини ривожлантириш тамойиллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ренессанс, педагогика, модуль-кредит, дуал таълим, халқаролашув, интеграциялашув, прогнозика, таълим фалсафаси

Бугун янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Республикаимиз Президентининг 2020 йил 30 сентябрда “Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”да “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак”, тарзида стратегик вазифа белгилаб берилди. Таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври учун пойдевор яратиш ўз-ўзидан янги Ренессанс шароитида педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

Юртимизда биринчи Ренессанс педагогикаси IX-XI асрларни ўз ичига олиб, бу даврда нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам педагогик фикрлар ривожланиши учун катта ҳисса қўшган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби олимлар фаолият юритишган. Европа ва Америкада XX асрнинг 50 йилларида пайдо бўлган инсонпарварлик педагогикаси аслида илк Уйғониш даври педагогикасининг туб моҳияти ва негизини ташкил этган.

Иккинчи Ренессанс педагогикасининг пайдо бўлиши ва таракқиёти Амир Темур ва темурийлар салтанати билан боғлиқдир. Бу даврда яшаб, ижод қилган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг фаолияти ва илмий-педагогик қарашлари ғоят таҳсинга сазовордир.

Мирзо Улуғбек ўз даврида учта (Бухорода, Самарқандда, Ғиждувонда) мадраса курдириб, олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилган. Мирзо Улуғбек мадрасаларидаги таълим олиш уч босқични (анда, ауст, аъло) ўз ичига олиб, диний ва дунёвий билимларни мукамал ўргатувчи чинакам маънодаги олий таълим муассасаси намунаси бўлган. Эътибор қаратилса, бугун жаҳонда олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш босқичларининг (бакалавр, магистр, докторантура) ёрқин намунасини Мирзо Улуғбек томонидан илк бор амалга оширилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-абдор”, “Маҳбуб ул-қуллуб”, “Назм ул жавоҳир” каби асарлари чинакам маънодаги педагогик асарлардир. Ҳазратнинг ўз даврида мактаб ва мадрасалар қурилишига ҳомийлик қилиши бугунги кун таъбири билан айтганда, таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг ёрқин намунасидир.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, мамлакатимизда “Учинчи Ренессанс йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар”.

Маълумки, жадидларнинг асосий мақсадни “Туркистонни фақат илму-маърифатгина ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий тангликдан халос этади”, – деган бош ғоя ташкил этган. Ана шу сабабли улар ўз ғояларини халқ ичида кенг тарғиб қилиш мақсадида она тилида таълим берадиган янги усул мактабларини очишган, мактаблар учун дарсликлар ёзишган, газета-журналлар чоп эттиришган, театр труппаларини ташкил этишган. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига инновацияларни жорий этиш йўлида жонбозлик кўрсатишган. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхоновларнинг издоши сифатида Абдулла Авлоний жадид маърифатчилигини янада юқори босқичга кўтариш, илмий педагогикани миллий таълим-тарбия қонуниятлари ва тамойиллари билан бойитиш, таълимнинг халқчиллиги ва оммавийлигига эришиш каби масалаларга эътибор қаратганлиги янги Ренессанс педагогикасининг устувор йўналишлари билан ҳамоҳангдир. Абдулла Авлоний 1913 йилда нашр эттирилган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “Педагогия”, яъни бола тарбиясининг фани демакдир” деб, педагогика фанига ўзбек зиёлилари орасида биринчи бўлиб, аниқ ва тўғри таъриф берди.

Маълумки, педагогика фани жамият томонидан белгиланган талаблар асосида инсон капиталини яратишга хизмат қилади. Бунинг учун эса, педагогика фани жамият ривожининг стратегияси ва устувор йўналишларига тўлиқ мос келадиган таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод, восита ва технологияларини ишлаб чиқиши ҳамда уни амалга ошириш механизмларини аниқ белгилаб бериши лозим. Афсуски, мустақиллик йилларида, яъни 2017 йилга қадар педагогика фани ва илмига маълум даражада ўзгартиришлар киритишга уринишлар бўлсада, аксарият ислохотлар ўзини оқламади. Бунинг асосий сабаби миллий педагогика фанининг янги концептуал асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги, янгиликларни киритишда фаннинг қонун, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонларини ҳисобга олинмаганлигидир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: янги Ренессанс шароитида педагогика таълим соҳасини ривожлантиришда қандай устувор жиҳатларга эътибор қаратиш лозим? Қандай муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш йўллари нималардан иборат?

Энг аввало, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, янги Ренессанс шароитида педагогика таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий қонун ва қонуниятларга таяниши лозим. Жумладан, янги Ренессанс педагогикаси қуйидаги қонунлар асосига қурилиши лозим: миллий ва умуминсоний маданиятга қадриятли муносабат; ижтимоий мослашувчанлик, фаоллик ва мобиллик; тўрт узвий халқа(мактабгача; умумий ўрта ва ўрта махсус; профессионал ва олий таълим)нинг мустақамлиги; шахс ҳаётий тажрибасига асосланган (витаген) таълимнинг устуворлиги.

Қуйидагилар эса, Янги Ренессанс педагогикасининг қонуниятлари сифатида хизмат қилади: таълим-тарбиянинг мақсади янги Ўзбекистонни ривожланиш суръати, жамиятимизнинг замонавий эҳтиёжларига мос бўлиши; таълим-тарбия мазмуни рақамли педагогиканинг тараққиёти билан уйғун тарзда белгилаб олиниши; таълим-тарбия сифати педагогик таъсирнинг интенсивлиги ва таълим натижаларининг шаффофлигига асосланиши; таълим-тарбия методлари интерфаоллик, кооперативликка асосланиши; таълим-тарбия жараёнини бошқаришда субъект-субъект муносабатлари доирасида коррекцион таъсирнинг жадаллигини ҳисобга олиш; таълим-тарбия жараёнида рағбатлантириш беш таянч устуннинг (тарбиячи, ўқитувчи, профессор-ўқитувчи, илмий-ижодий зиёлилар, ота-оналар) виртуал-педагогик назорати ва янги ҳаёт субъектларининг (тарбияланувчи, ўқувчи, талаба) интернал (ички) мотивларига боғлиқлиги.

Айни пайтда юқорида қайд этиб ўтилган янги Ренессанс педагогикаси қонун ва қонуниятларига асосланган ҳолда педагогика таълим соҳасини ривожлантиришда қуйидаги муаммоларга жиддий эътибор қаратилиши ҳамда уларни ҳал этиш йўллари жадал тарзда ишлаб чиқилиши лозим:

1. Бугунги кунда педагогика таълим соҳасида ҳам кредит-модул тизими асосида ўқув жараёни амалга оширилмоқда. Бироқ мазкур жараёни ташкил этиш ва бошқаришда кредитлар тўплаш масаласига катта эътибор қаратган ҳолда, модулли таълим технологиясига асосланган ҳолда ўқитиш мазмунини лойиҳалаш эътибордан четда қолмоқда. Таълим мазмунини такомиллаштирмасдан эса, ўқитиш сифатига эришиб бўлмайди. Бунинг учун кредит-модул тизимига асосланган таълим мазмуни модулли ёндашувнинг тамойиллари орқали тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Худди шундай ўқув жараёнини амалга ошириш модулли таълим технологияси талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Бирор-бир таълим тизимининг “шаклга асосланиб” жорий этилиши кўзланган натижа бермайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, педагогика таълим соҳасига жорий этилаётган янги тизимга мос равишда ўқитиш мазмуни ҳам тубдан ўзгариши керак.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Илгор хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, кредит-модул тизимига асосланган ўқув режаларида талабаларнинг 1 семестр давомида ўқийдиган фан (модул)лари сони 4-5 тадан ошиб кетмайди. Амалдаги мавжуд ўқув режаларида эса, талабаларнинг бир семестрда ўқийдиган фанлари сони 10-12 тагачани ташкил этади. Фан(модул)лар сонининг сунъий оширилиши ўз навбатида, талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

2. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш кредит-модул тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кредит-модул тизимининг бош ғояси – “ўрганишга ўргатиш”, “бажаришга ўргатиш” мустақил таълим орқали амалга ошади. Чунки Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) талабларига кўра, модуллар бўйича ўқув юклавасининг 60 фоизини мустақил таълим ташкил этиши лозим. Шунингдек, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш бўйича муваққат Низомнинг ҳам ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

3. Педагогика таълим соҳасига дуал таълимни жорий этиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Аслида, талабаларнинг ўқув ва малакавий амалиётларини ўқув йили давомида ҳафтасига 2 кун умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилиши бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, амалий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

4. Педагогика таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш ҳам талаб даражасида эмас. Мазкур жараён моддий-техник таъминотнинг етарли бўлиши билангина ўлчанмайди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, максимал натижаларга эришиш учун раҳбар-ҳодимларда менежерлик компетенцияси ва ташкилотчилик сифатлари ривожланган бўлиши лозим. Албатта, ушбу жараён самарадорлигини таъминлаш ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларда рақамли компетенцияни ривожлан-тиришни тақозо этади. Бу орқали эса, бўлажак педагогларда ахборот-коммуникатив компетентлик ва рақамли саводхонликни шакллантиришга эришилади.

5. Педагогика таълим соҳасида хорижий тилларни ўқитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Мамлакатимизда муҳтарам юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Президент мактаблари ва ихтисослашган мактабларда, умуман умумий ўрта таълим тизимида фаолият юритиши учун бўлажак педагоглар камида иккита хорижий тилни билиши лозим. Она тилини мукаммал биладиган ва хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўқитувчи ўзи дарс берадиган фани бўйича янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боради ҳамда уларни таълим-тарбия жараёнларига самарали татбиқ этади. Бунинг учун олий таълим муассасарида тил муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Афсуски, ҳатто педагогика олий таълим муассасарида очилган қўшма факультетларда ҳам “тил муҳити” самарали йўлга қўйилмаган. Мазкур факультетларда таълим тилига мос равишда инфратузилма яратилиши лозим.

6. Педагогика таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларида белгилаб берилган яна бир масала – педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Мазкур масалани муваффақиятли ҳал этиш учун зарурий чораларни кўриш орқали мотивацион йўналганликка эга янги авлод “келажак муаллимлари”ни тайёрлаш имконияти мавжуд. Умумий ўрта таълимнинг ўрта босқичи (X–XI синфлар)да педагогик синфларни ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жадал амалга ошириш лозим.

7. Педагогик таълим соҳасининг жозибадорлигини ошириш учун мазкур йўналишда таълим маркетингини самарали йўлга қўйиш лозим. Молиявий ва академик мустақилликка босқичма-босқич ўтиш учун педагогика олий таълим муассасарида халқаролашув ва интеграциялашув жараёнларини кучайтириш лозим. Мазкур олий таълим муассасарида хорижий ҳамкорлик масаласи ҳам қониқарли деб бўлмайди. Хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали педагогика олий таълим муассасари қошида мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш ҳам бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш, ҳам дуал педагогик таълимни амалга ошириш имкониятини юзага келтиради.

8. Педагогика олий таълим муассасарида кредит-модул тизими жорий этилишига қарамасдан, профессор-ўқитувчиларнинг вақт меъёрлари янги тизимга мослаштирилмаган. Мазкур ҳолат ҳам кредит-модул тизимини амалиётга жорий этишда мураккабликларни келтириб чиқаради. Ўқув юклаваларининг ҳаддан зиёд кўплиги талабалар билан амалга ошириладиган маслаҳат – контакт соатларини тўлиқ бажариш имконини

бермайди. Контакт соатлари эса айни пайтда профессор-ўқитувчининг ўқув юкламаси таркибига кирмайди. Бунинг учун кредит-модул тизимида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини белгилаш қоидаларини янгидан ишлаб чиқиш лозим.

9. Замонавий иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар ва кредит-модул тизимининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, олий педагогик таълимнинг бакалаврият босқичида икки ва ундан ортиқ ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш амалиётини жорий этишга алоҳида эҳтиёж мавжуд. Прогностик ёндашув асосида педагогик кадрлар тайёрлаш эҳтиёжларини реал талаблар билан мувофиқлаштириб бориш, педагогика олий таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг талаблари ўртасидаги бўшлиқ бартараф қилиниши лозим. Айни пайтда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида “Табиий фанлар” ўқув предметини ўқитиш йўлга қўйилган бўлса ҳам, педагогика олий таълим муассасаларида интеграллашган “табиий фанлар ўқитувчиси” ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрланмайди. Бу эса, бошланғич синфларда мазкур фанни ўқитиш самарали амалга ошириш учун педагогик хатар(риск)нинг ортишига олиб келади.

10. Педагогика олий таълим муассасаларида истиқболли йўналишларни ўрганиш ва белгилаб беришга хизмат қилувчи “Педагогик прогностика ва таълим фалсафаси” илмий лабораторияларини ташкил этишга айни пайтда алоҳида зарурият мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, педагогика олий таълим муассасалари ҳар жиҳатдан умумий ўрта таълимда амалга оширилаётган ислохотлардан “ўзиб” кетиши ва инновацион жараёнларга мобиллашган бўлиши лозим. Бунинг учун педагогик прогностик тадқиқотлар ўтказилиши ва унинг натижалари мониторинг қилиб борилиши лозим. Айнан мазкур жараён орқали олий ва умумий ўрта таълим кооперациясини таъминлашга ҳам эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева О. “Ўзбекистонда янги уйғониш – учинчи Ренессанс” / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 2 сентябрь, онлайн сони.
2. Қодиров О. Янгиланаётган Ўзбекистон – учинчи Ренессанс. // Proceedings of Global Technovation 2 nd International Multidisciplinary Scientific Conference Hosted from London, U.K. December 28th, 2020. <https://conferencepublication.com>.
3. Педагогика энциклопедия. I жилд. / Масъул муҳаррир Р.Сафарова. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 320 б.
4. Педагогика профессионального образования: Учеб.пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / Е.П.Белозерцев, А.Д.Гонеев, А.Г.Пашков и др.; Под. ред. В.А. Слостёнина. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 368 с.
5. Педагогический словарь / Под.ред. В.И.Загвязинского, А.Ф.Закировой. – М.: «Академия», 2008. – С.41.



INNO SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor
Impact Factor: 8.118



ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 **9940 572 462**  **6381 907 438**  **ijirset@gmail.com**



www.ijirset.com

Scan to save the contact details